СУБСТАНТИВАЦИЯ ЙЎЛИ БИЛАН ҲОСИЛ БЎЛГАН АТОҚЛИ ОТЛАР

А.Х.ҚОДИРОВ, Н.М.ҚАМБАРОВ

В статье рассмотрены особенности собственных имен, образованных путем субстанции имен прилагательных, существительных и числительных узбекского языка.

In the article is showed particulars of proper-nouns formed by way substanized of adjectives, nouns and numerals of Uzbek

---

Субстантивация (лотинча *homen substantivium - от*) отлашиш маъносини билдиради. Тилдаги отдан бошқа туркумларга оид сўзларнинг отга кўчиши субстантивация деб юритилади [1;78]. Субстантивация қуйидаги сўз туркумларининг отга кўчиши натижасида ҳосил бўлади:

1. Отлашган сифатлар:

1) киши ёки ҳайвонларнинг табиий ҳолатларини билдирувчи (кўпинча уларга лақаб бўлиб келган) сифатлар аниқланмишсиз, от тарзида қўлланади: *малла, кал, чўлоқ, пакана, семиз, маймоқ* каби. Бу сўзлар баъзан киши номларига ҳам қўшиб айтилади.

Тўхтанг, тўхтанг, Жуман маймоқ деганимиз бўлар эди. (П.Қодиров)

Бобомнинг жаҳли чиқиб кетди. - Падарингга лаънат, пакана!- деди тўнғиллаб. (Ў.Ҳошимов)

Содиқ тарангнинг зардали юзини кўз олдига келтирган эди. (С.Аҳмад)

Уч-тўртта бўйдоқлар бўлса, шу ерни макон қилиб олишган. (Ҳ.Шамс)

2) киши исмлари отлашган сифатлардан бўлиши мумкин:[2;102] *Доно, Гўзал, Ботир, Бахтиёр* кабилар.

Турсунбой қамиш капа олдида тиззасини қучоклаб дарвеш қиёфасида ўтирарди. (С.Аҳмад)

Баҳодир қўл қовуштирганича пойгакка тизза букди. (О.Ёқубов)

Ўзбек тилида сифатнинг атоқли отга кўчиш ҳодисаси кўпроқ инсонларга қўйилган исмлар ва турли хил жой номларида учрайди. Масалан:

Антропоним - *Муносиб, Аъло, Ширин, Латиф, Яхшибой, Ўткир* кабилар.

2. Топоним - *Қурама, Шалдирама.*

Ҳозирги ўзбек исмларига эътибор берсак, ота-оналар ўз фарзандига муносиб исм танлашга, исмнинг мазмунан гўзал, шаклан чиройли бўлишига интилиши табиий бир ҳол. Бундай исмларда, одатда, холисона орзу-умидлар, фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат ҳамда эзгу орзулар ўз тажассумини топади. Масалан, ота-она ўз фарзандининг қўрқмас ва довюрак бўлиб етишишини орзу қилиб, унга Ботир, Жасур каби исмларни қўйишади.

Ўзбек халқида қиз болага исм қўйишга алоҳида эътибор қаратилади. Қизлар исми мазмунли, айтилиши қулай, эшитилишида ёқимли ва кўркам бўлиши лозим. Шу сабабли ота-оналар фарзандларининг гўзал бўлишини, гулдай чиройли бўлишини ният қилиб Наргиза, Барно, Зебо, Дилбар каби исмларини қўядилар.

Чақалоққа кўркам, намунали исмларни танлашга интилиш яхши, албатта. Ўзбек тилидаги исмларнинг бир гуруҳини кишиларнинг ўз фарзандига бўлган эзгу ниятлари, орзу ва истакларини ифодаловчи атокли отлар ташкил қилади.

Ота-она фарзандининг:

а) яхши ва муносиб инсон бўлиб улғайишини орзу қилади: *Муносиб, Аъло, Яхшибой;*

б) бола улғайиб яхши хулқли, ахлоқли инсон бўлишини исташади: *Дилкаш, Қобилжон*;

в) ғамхўр, меҳрибон, олижаноб одам бўлишини ҳоҳлашади: *Меҳринисо, Аҳилбек, Меҳрия;*

г) фарзанд босиқ, вазмин, камтарин инсон бўлишини орзу қилишади: *Сокина, Камтар, Сокин;*

д) гўдак кучли, бақувват, қудратли, иродали бўлиб улғайишини орзу қилишади: *Паҳлавон, Азамат, Полвон;*

е) бола адолатли, ҳалол, келажакда одил инсон бўлиб улғайишини хоҳлашади: *Одил Адолат;*

Аввалига ота-оналарнинг ҳоҳиш-истаклари-

ни ифодаловчи бундай исмларнинг маъноси уларни танлаган ёки ижод қилган кишилар доираси учунгина маълум бўлади. Кейинчалик улар кенг ёйилиши ёки минтақавий маълум номлар қаторига ўтиши мумкин[1;47]

Юқорида берилган исмларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилсак, бу исмлар асли сифат бўлиб, кейинчалик атоқли отга ўтганлигини кўрамиз.

Ширин - тотли, чучук, лаззатли, азиз, ёқимтой маъносидаги сифат.

Ширин- сифатларни ўзида акс эттирган қиз бола исми, яъни от.

Гўзал - кўркам, чиройли, зебо маъносидаги сифат

Гўзал - сифатларни ўзида акс эттирган қиз бола исми, яъни от.

Ботир - мард, паҳлавон, довюрак, жасур

Ботир - сифатларни ўзида акс эттирган ўғил бола исми, яъни от.

Жасур - қайтмас, мард, жасоратли

Жасур - сифатларни ўзида акс эттирган ўғил бола исми, яъни от.

Қаҳрамон - кучли, баҳодир, довюрак

Қаҳрамон - сифатларни ўзида акс эттирган ўғил бола исми, яъни от.

2. Отлашган феъллар:

Юқорида таъкидлаганимиздек, бошқа сўз туркумлари қатори феълга оид сўзлар ҳам отлашади. Отнинг грамматик белгиларини ўзига қабул қилади. Бу ҳодиса, кўпроқ, киши исмларида кузатилади. Масалан, *Бердивой, Яшнар, Қайтмас, Турдивой, Тўхтасин, Сотиболди, Етархон, Турсуной, Тўхта, Турсунбой, Ўлмасхон, Кўпайсин* кабилар.

Феълларнинг отга кўчиш жараёнида қуйидаги ўзгаришлар кўзга ташланади:

а) феъл отга кўчганда от ясовчи қўшимчаларни қабул қилади: *Турсунбой, Яйрахон;*

б) отлардаги кўплик қўшимчаси билан кела олади: *Тўхтасинлар келишди.* Бунда бирор киши ва унга яқин одамлар гуруҳи англашилади;

в) киши исмлари феъллардан таркиб топганда, келишик ва эгалик қўшимчаларини қабул қила олади: *Сотиболдининг китоби, ўзимнинг Турсунойим.* Эгалик қўшимчаси қўшилганда ўша кишини эркалаш, суйиш каби қўшимча маънолар юзага чиқади;

г) киши исмларининг таркибида феълга доир сўз бўлганда, бу сўз қўшма сўз бўлади. Қўшма сўз шаклидаги феъл қатнашган исмлар бошқа туркумга оид сўзлар билан ҳам бирикади: *Бердиқул* (феъл от), *Яшнархожи* (феъл от), *Бектурди* (от феъл), *Омонкелди* (сифат феъл), *Тиловберди* (феъл феъл)

д) феълнинг функционал шакллари ҳам исм ҳосил қилишда иштирок этади: *Қайтмас, Ўлмас;*

е) туб феъллардан иборат бўлади: *Тўхтасин, Тўхта, Кўпайсин;*

ж) қўшма феъллардан ташкил топади: *Сотиболди.*

3. Отлашган сонлар:

Сонлар ҳам шахсларнинг номи вазифасини бажариши мумкин: Масалан: *Етмиш, Етмишбой, Етмишой, Еттиназар, Еттовқул, Еттовкўзи, Саксонмурод, Саксонтўра, Саккизбой, Тўқсонбой, Тўқсонмурод, Тўқсонсулув, Тўқсонхўжа, Тўқсонқул, Мингой, Мингбой, Робия.*

Таркибида сон қатнашган киши исмларининг қўйилиш сабаблари, асосан, ота-онанинг ўша ёшда фарзанд кўриши билан изоҳланади. Масалан: киши етмиш ёшда фарзанд кўрса *Етмишвой,* тўқсон ёшда фарзанд кўрса *Тўқсонбой* кабилар.

Сон туркумидан ўсиб чиққан атоқли отлар луғатимизда кам учрайди.

Хуллас, ўзбек тилида сифат асосли лексик бирликларнинг отлашуви орқали антропоним-ларнинг ҳосил бўлиш частотаси энг юқори ўринда туради. Сўнгра феъл асосли антропонимлар ҳамда оз миқдорда сон асосли антропоним-ларнинг ҳосил бўлишини кўришимиз мум-кин.

АДАБИЁТЛАР:

1.Бегматов Э. Ўзбек исмлари.-Т., 2001.- Б. 47
2.Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Т., 2002.- Б.78
3.Ўзбек тили грамматикаси. 2 жилдлик. Ж.1.-Т., 1976.- Б.102

Андижон давлат университети,
2009 йил 15 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)